

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВ ШОҲИМАРДОН МУҲАММАДЖОНОВИЧ

ҲАРОРАТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ФАЗОВИЙ
ЮКЛАНИШЛАРДАГИ СТЕРЖЕНЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК
НОЧИЗИҚЛИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Исмоилов Шоҳимардон Муҳаммаджонович

Ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги
стерженларнинг геометрик ночизиқли жараёнларини математик
моделлаштириш 3

Исмоилов Шоҳимардон Муҳаммаджонович

Математическое моделирование геометрически нелинейных
процессов пространственного нагружения стержней с учетом
температуры..... 21

Ismoilov Shohimardon Mukhammadjonovich

Mathematical modeling of geometrically nonlinear processes of rods'
spatial loading taking into account temperature 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВ ШОҲИМАРДОН МУҲАММАДЖОНОВИЧ

ҲАРОРАТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ФАЗОВИЙ
ЮКЛАНИШЛАРДАГИ СТЕРЖЕНЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК
НОЧИЗИҚЛИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.4.PhD/Т2085 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик – қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Анарова Шаҳзода Аманбаевна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Назирова Элмира Шодмоновна
техника фанлари доктори, доцент
Файзиёв Бекзоджон Муртазаевич физика-
математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 17 » декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2676- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108 - уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил « 9 » декабр куни тарқатилди.

(2021 йил « 02 » декабр даги 40 рақамли реестер баённомаси).



Р. Ҳ. Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф. М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д, доцент

Ш.А. Садуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иншоот ва конструкцияларни лойиҳалашда қўлланиладиган материалларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини аниқлашнинг дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, ҳароратни ҳисобга олган ҳолда кўндаланг кесими ихтиёрий ва фазовий юкланишлардаги стерженларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар, самарали сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштириш ҳозирги вақтдаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Хитой, Австралия, Саудия Арабистони, Канада, Франция, Япония, Украина, БАА, Эрон, Миср Араб Республикаси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли ва ҳароратни ҳисобга олган ҳолда деформацияланиш жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини аниқлашнинг такомиллаштирилган математик моделларини қуриш ва сонли ҳисоблаш алгоритмлари асосида дастурий мажмуаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чўзилиш, қисилиш, эгилган буралиш, бўйлама эгилиш ва бўйлама буралишдаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини аниқлашнинг такомиллашган математик моделларини ва сонли ҳисоблаш алгоритмларини ҳамда дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири. Шу билан бирга, кўндаланг кесими ихтиёрий бўлган фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларининг математик моделларини ва сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишни илмий асослаш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда «Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг дастлабки 6 ойида металлургия саноатининг 1172 та кичик корхоналари томонидан 45,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган» бўлиб, мазкур металл конструкция маҳсулотлари замонавий архитектура қурилиш, шаҳарсозлик, машинасозлик, геология, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда кенг қўламда фойдаланилган. Шу сабабли, бундай стержень типидagi конструкцияларни лойиҳалаш мақсадида уларда юз берадиган деформацияланиш жараёнларини математик моделлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш учун самарали сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш

ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфор­мацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш»¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стер­женларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини аниқлашни автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4464-сон «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПҚ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Термоэластиканинг фундаментал асосларига бағишланган кўплаб олимларнинг ишларида деформацияланиш термодинамик жараёндан иборат деб таъкидлаганлар. Ночизикли эластиклик назарияси доирасида деформацияланиш масалаларини ҳал қилиш бўйича хорижий олимлардан: В.Новацкий, Л.М.Зубов, А.И.Лурье, В.В.Новожилов, Л.Хаджиева, F.S.Bayones, A.M.Abd-Alla, R.Ghaffari, R.Sauer, Y.Y.Zhu, Y.Li, C.J.Cheng, D.Erdenebata, D.Waldmanna, F.Scherbauma, N.Teferleb, Y.Xia, Z.Ding, Fu.Kangsheng, Wu.Deng, J.Li, Lu.Zhongrong, M.R.Eslami, A.Y.Al-Ali, K.H.Almutairi, E.K.Rawu ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар ҳамда ушбу соҳага катта ҳисса қўшганлар.

Республикамизда стержень типдаги конструкцияларнинг назарий асосларини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, жумладан, академик В.Қ.Қобулов томонидан конструкция элементларининг чизикли ва ночизикли деформацияланиш жараёнларининг Остроградский-Гамильтон тамойили асосида аниқлаштирилган назарияси ишлаб чиқилган ҳамда амалий масалаларни ечишга алгоритмик ёндашувлар таклиф этилган, кейинчалик академик Т.Бўриев, К.Ш.Бобомуродов, Б.Курманбаев, Т.Юлдашев, Ш.А.Назиров, Б.Мардонов, А.А.Халджигитов, А.Абдусаттаров, Р.Ш.Индиаминов, Ш.А.Анарова, Ф.М.Нуралиев ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан ривожлантирилган ва ривожлантирилмоқда.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини статик ва динамик, геометрик ночизикли жараёнларини математик моделлаштириш муаммоси долзарб бўлиб, ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Т-ОТ-2021-175 «Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун кичик ҳажмдаги картошка ковлагич» (2021) ва ФА-Ф-4-006- «Ихтиёрий йўналган сейсмик кучлар таъсиридаги текисликда ва фазовий жойлашган ер ости қувурлар тизимининг сейсmodинамикаси» (2019-2020) ҳамда ФА-Атех-2018-67 - «Зилзилаларда йиғилган реал маълумотларга асосланган сейсмик кучлар таъсиридаги ер ости қувурларининг реакциясини баҳолаш ва уларни амалиётга татбиқи» (2019-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларида статик ва динамик кучлар таъсирида математик моделни такомиллаштириш, ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда дастурий мажмуани тузилмаси ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

В.Қ.Қобуловнинг аниқлаштирилган ва эластиклик назариялари ҳамда Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили асосида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли жараёнлари математик моделини такомиллаштириш;

кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик-механик параметрларини рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усули асосида сонли ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқиш;

фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизикли масалаларида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизиқли масалаларини чекли айирмалар ва матрицали ҳайдаш усулларини биргаликда қўллаган ҳолда чегаравий масалаларни ечишни дастурий мажмуа тузилмасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизиқли хусусиятлари ва ҳароратни ҳисобга олган ҳолда деформацияланганлик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизиқли жараёнларини тадқиқ этиш учун математик моделлар, сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуа ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари.

Тадқиқот жараёнида деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси, вариацион ҳисоблаш математикаси, математик ва сонли моделлаштириш, алгоритмлаш назарияси, рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усули, мураккаб стерженларнинг геометрик-механик параметрларини ҳисоблаш, замонавий дастурлаш технологиялари ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

В.Қ.Қобуловнинг аниқлаштирилган ва эластиклик назариялари ҳамда Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили асосида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизиқли жараёнларини математик модели такомиллаштирилган;

кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик-механик параметрларини рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усули асосида сонли ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизиқли масалаларида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда сонли ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизиқли масалаларини чекли айирмалар ва матрицали ҳайдаш усулларини биргаликда қўллаган ҳолда чегаравий масалаларни ечишни дастурий мажмуа тузилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизиқли кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини тадқиқ қилиш учун математик модели такомиллаштирилган;

чекли-айирмали, матрицали ҳайдаш, рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усули ҳамда кетма-кет яқинлашиш усулларига асосан фазовий юкланишлардаги стерженларнинг ҳароратни ҳисобга олган ҳолда статик ва динамик, геометрик ночизиқли масалаларини ечиш учун ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган математик моделнинг алгоритмлари ишончлилигини асослайдиган, ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги

стерженларнинг чегаравий масалалари учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имконини берувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг математик қўйилиши ва уни ечиш учун қўлланилган Остроградский-Гамильтон вариацион тамойилининг қатъийлиги, фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг самарали ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, стерженларда ҳароратни ҳисобга олган ҳолда масаланинг коррект қўйилганлиги, масалани ечишда чекли айирмали, матрицали ҳайдаш ҳамда кетма-кет яқинлашиш усулларида фойдаланилганлиги, ҳисоблаш алгоритмларининг турғунлиги тадқиқ қилинганлиги, шунингдек, аниқ аналитик ечим билан тақрибий ечимни қиёслаш орқали олинган натижаларнинг мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стерженларнинг фазовий юкланишлардаги геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда умумлашган математик моделларини Остроградский-Гамильтон тамойили асосида такомиллаштирилгани, ҳисоблаш алгоритмларини чекли-айирмали, матрицали ҳайдаш ҳамда кетма-кет яқинлашиш усуллари билан биргаликда қўллаган ҳолда ишлаб чиқилгани, шунингдек, кўндаланг кесими ихтиёрий фазовий юкланишлардаги стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ этишга мўлжалланган масалаларни ечиш имконини берувчи дастурий мажмуанинг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стержень типидagi конструкциялар учун лойиҳа ҳисоб ишларини олиб боришда хом ашё, иш кучи ҳамда вақт сарфини камайтириш, бажарилган иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, лойиҳалаш жараёнларини самарали ташкил этиш имкониятлари, ҳисоблаш қийин бўлган ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларининг такомиллаштирилган математик модели ва ҳисоблаш алгоритмларининг амалиётда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини тадқиқ қилиш учун такомиллаштирилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуа асосида:

ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик, динамик ҳамда геометрик ночизикли масалаларини ечишнинг чекли-айирмали ва матрицали ҳайдаш усулларида асосланган ҳисоблаш тажрибаларини виртуал бажариш учун ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «SARDOR LOYIHA DIZAYN SERVIS» ва «ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖларига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги №33-8/7687 - сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳалаш жараёнларида вақт сарфини камайиши ҳисобига иш унумдорлигини 8-10% га оширишга ҳамда ҳисоблаш аниқлигининг ортиши ҳисобига материал сарф-харажатларининг 5-10% га камайишига имкон берган;

хароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг кўндаланг кесими ихтиёрий бўлган геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларининг аниқлашда чекли-айирмали, матрицали ҳайдаш ва рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усуллари билан биргаликда статик ва динамик масалаларини ечиш учун ҳисоблаш алгоритми асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «ПРОЕКТ-SERVIS» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 октябрь №33-8/7687 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида лойиҳалаш жараёнлари учун вақт сарфининг камайиши ҳисобига иш унумдорлигининг 10-15% гача оширишга ҳамда ҳисоблаш аниқлигининг ортиши ҳисобига материал сарф-харажатларининг 1,2 марта камайишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий мажмуаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Стерженларнинг деформацияланишини математик моделлаштириш бўйича адабиётлар шарҳи» деб номланган

биринчи бобида фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чизикли ва геометрик ночизикли кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳароратни ҳисобга олган ҳолдаги математик моделларини такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни ўрганиш ҳолатини таҳлил қилишга бағишланган. Шунингдек, ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини математик қўйилиши кўриб чиқилган.

В.Қ.Қобулов томонидан конструкция элементларининг чизикли деформацияланиш жараёнларини аниқлаштирилган назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, жисмнинг деформацияланиши термодинамик жараёндан иборат эканлиги таъкидланган.

Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили куйидаги кўринишда ёзилади:

$$\delta \int_t (K - \Pi^T + A) dt = 0. \quad (1)$$

бу ерда K , Π^T - кинетик ва потенциал энергиялар ҳамда A - ташқи кучлар бажарган иш.

Власов-Джанелидзе-Қобуловларнинг аниқлаштирилган назарияси асосида бўйлама, кўндаланг ва буровчи кучларнинг биргаликдаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стержень нуқталарининг кўчишини куйидаги тенглик кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} u_1(x, y, z, t) &= U(x, t) - z\alpha_1(x, t) - y\alpha_2(x, t) + \varphi(y, z)\mathcal{A}(x, t) + \\ &+ a_1\beta_1(x, t) + a_2\beta_2(x, t), \\ u_2(x, y, z, t) &= V(x, t) + z\theta(x, t), \quad u_3(x, y, z, t) = W(x, t) - y\theta(x, t). \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Бу ерда u_1, u_2, u_3 - кўчиш векторларини ташкил этувчилари; U, V, W - стерженнинг марказий нуқталарининг кўчиши; α_1, α_2 - соф эгилишдаги кўндаланг кесимни марказий ўққа нисбатан оғиш бурчаклари; β_1, β_2 - кўндаланг силжиш бурчаклари; θ - буралиш бурчаги; $\mathcal{A}(x, t)$ - узунлиги бўйича буралиш бурчаги; $a_1(y, z), a_2(y, z)$ - берилган функциялар; $\varphi(x, t)$ - буралишнинг Сен-Венан функцияси.

Коши муносабатларига кўра ночизикли деформацияланиш формуласини ҳисоблаш куйидагича бўлади:

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} \left(\frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i} + \frac{\partial u_k}{\partial x_i} \cdot \frac{\partial u_k}{\partial x_j} \right) \quad (3)$$

бу ерда u - жисм марказий нуқтасининг кўчишини ифодаловчи вектор.

Ҳарорат кўтарилганда жисмнинг элементлари кенгайди. Қаттиқ жисмда бундай кенгайиш, одатда, эркин ўтиши мумкин эмас ва кучланиш туфайли деформациялар пайдо бўлади. Гук қонунини қўлланилишида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг уч ўлчовли боғланиш тенгламалари куйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned} \varepsilon_{11} - \alpha T &= \frac{1}{E}(\sigma_{11} - \mu(\sigma_{22} + \sigma_{33})); \quad \varepsilon_{22} - \alpha T = \frac{1}{E}(\sigma_{22} - \mu(\sigma_{11} + \sigma_{33})); \\ \varepsilon_{33} - \alpha T &= \frac{1}{E}(\sigma_{33} - \mu(\sigma_{11} + \sigma_{22})); \quad \gamma_{12} = \frac{\tau_{12}}{G}; \quad \gamma_{23} = \frac{\tau_{23}}{G}; \quad \gamma_{13} = \frac{\tau_{13}}{G}, \end{aligned} \quad (4)$$

бу ерда ифода (4) дан стерженларда кечаётган кўндаланг кучланишлар Бернулли гипотезасига асосан $\sigma_{22} = 0, \sigma_{33} = 0, \sigma_{31} = 0$ ни тенг эканлигини ҳисобга олиб, ҳароратга боғлиқ кучланганлик қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\sigma_{11}^T = \sigma_{11} + E\alpha T; \quad (5)$$

бу ерда α - чизикли кенгайиш коэффициентини, T - ҳарорат, E - эластиклик модули, μ - Пуассон коэффициентини, σ_{11}^T - ҳарорат билан кучланганлик, σ_{11} - ҳароратсиз кучланганлик.

Фазовий юкланишлардаги стерженнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини аниқлаш масаласида ҳароратни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги назариялар асосида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрӣ стерженларда геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларини математик моделини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертациянинг «Стерженларнинг деформацияланиш жараёнларида ҳароратни ҳисобга олган ҳолдаги математик модели» деб номланган иккинчи бобида Власов-Джанелидзе-Кабуловнинг аниқлаштирилган назариясидан фойдаланган ҳолда Остроградский-Гамильтон тамойили асосида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг тебранишлари геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнларининг тенгламалари олинган. Математик моделни ишлаб чиқишда стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик тензорлари ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилган. Эластиклик назариясидан фойдаланилган ҳолда табиий бошланғич ва чегаравий шартлари билан иккинчи тартибли тўққизта геометрик ночизикли дифференциал тенгламалар тизими билан ифодаланган. Юқорида амалга оширилган ишларнинг барчаси, стерженларнинг геометрик ночизикли деформацияланиш жараёнининг математик моделини такомиллаштиришга қаратилган.

(1) ифодага мувофиқ мувозанат тенгламадаги кинетик энергиянинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\iint_{t \ v} \delta K dv dt = \frac{1}{2} \rho \int_t \int_v \delta \sum_{i=1}^3 \left[\frac{\partial^2 u_i}{\partial t^2} u_i \right] dv dt. \quad (6)$$

Кинетик энергия вариациясини ишлаб чиқишда (2) ифодадан фойдаланамиз.

Потенциал энергияни умумий кўриниши қуйидагича:

$$\int \int_t \int_v \Pi^T dv dt = \int \int_t \int_v \sigma_{ij}^T \delta \varepsilon_{ij} dv dt. \quad (7)$$

Потенциал энергия вариацияси (7) ифодага (2) ва (3) ифодаларни қўйиб, вариациялаб, интеграллаб, белгилашлар киритиб ишлаб чиқилади.

Фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженда ташқи кучлар бажарган ишнинг вариациясини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$\int \int_t \int_v \delta A dt = \int \int_t \sum_{i=1}^3 P_i \delta u_i dv dt + \int \int_t \sum_{i=1}^3 q_i \delta u_i ds dt + \int \int_{s_1} \sum_{i=1}^3 f_i \delta u_i ds_1 dt, \quad (8)$$

бу ерда P_i - ҳажмий кучларни ташкил этувчилар, q_i - юзага таъсир этувчи кучларни ташкил этувчилари, f_i - чегарага таъсир этувчи кучларни ташкил этувчилари.

Фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг кинетик (6), потенциал (7) энергиялар ва ташқи кучлар бажарган иш (8) ни (1) мувозанат тенгламасига қўйиб, геометрик нозикли деформацияланиш жараёнларида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда умумлашган математик модели ҳосил қилинган.

Ҳароратни ҳисобга олган ҳолдаги фазовий юкланишлардаги стерженларнинг геометрик нозикли деформацияланиш жараёнларини умумлашган тенгламалар системаси:

$$\begin{aligned} & -\rho F \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} + \rho S_y \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} + \rho S_z \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} - \rho S_\varphi \frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2} - \rho S_{a_1} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} - \\ & - \rho S_{a_2} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} + \frac{\partial N_x^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_u}{\partial x} + (\bar{P}_1 + \bar{q}_1) = 0; \\ & \rho S_y \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} - \rho I_y \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} - \rho I_{zy} \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} + \rho I_{z\varphi} \frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2} + \rho I_{za_1} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} + \\ & + \rho I_{za_2} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} - \frac{\partial M_y^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_{\alpha_1}}{\partial x} + Q_{13} - (M_y^{\bar{P}_1} + M_y^{\bar{q}_1}) = 0; \\ & -S_{a_1} \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} + I_{a_1z} \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} + I_{ya_1} \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} - I_{a_1\varphi} \frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2} - I_{a_1^2} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} - I_{a_1a_2} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} + \\ & + \frac{\partial M_{a_1}^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_{\beta_1}}{\partial x} - Q_{a_1} + (M_{a_1}^{P_1} + M_{a_1}^{q_1}) = 0; \\ & -\rho F \frac{\partial^2 V}{\partial t^2} - \rho S_y \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} + \frac{\partial Q_{12}}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_v}{\partial x} + (\bar{P}_2 + \bar{q}_2) = 0; \end{aligned} \quad (9)$$

$$\begin{aligned}
& \rho S_z \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \rho I_{yz} \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} - \rho I_z \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} + \rho I_{y\varphi} \frac{\partial^2 \mathcal{G}}{\partial t^2} + \rho I_{ya_1} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} + \\
& + \rho I_{ya_2} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} - \frac{\partial M_z^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_{a_2}}{\partial x} + Q_{12} - (M_z^{P_1} + M_z^{q_1}) = 0; \\
& - \rho S_{a_2} \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} + \rho I_{a_2z} \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} + \rho I_{ya_2} \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} - \rho I_{a_2\varphi} \frac{\partial^2 \mathcal{G}}{\partial t^2} - \rho I_{a_1a_2} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} - \\
& - \rho I_{a_2^2} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} + \frac{\partial M_{a_2}^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_{\beta_2}}{\partial x} - Q_{a_2} + (M_{a_2}^{P_1} + M_{a_2}^{q_1}) = 0; \\
& - \rho F \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} + \rho S_z \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} + \frac{\partial Q_{13}}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_w}{\partial x} + (\bar{P}_3 + \bar{q}_3) = 0; \\
& - \rho S_y \frac{\partial^2 V}{\partial t^2} + \rho S_z \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} - \rho I_\rho \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} + \frac{\partial M_x}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_\theta}{\partial x} + (M_x^{P_{23}} + M_x^{q_{23}}) = 0; \\
& - \rho S_\varphi \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} + \rho I_{\varphi z} \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} + \rho I_{y\varphi} \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} - \rho I_\varphi \frac{\partial^2 \mathcal{G}}{\partial t^2} - \rho I_{a_1\varphi} \frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2} - \\
& - \rho I_{a_2\varphi} \frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2} + \frac{\partial M_\varphi^T}{\partial x} + \frac{\partial \Psi_\mathcal{G}}{\partial x} - M_\varphi + (M_\varphi^{P_1} + M_\varphi^{q_1}) = 0.
\end{aligned}$$

Умумлашган табиий бошланғич шартлар:

$$\begin{aligned}
& \rho \left[F \frac{\partial U}{\partial t} - S_y \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} - S_z \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} + S_\varphi \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} + S_{a_1} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} + S_{a_2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta U \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[-S_y \frac{\partial U}{\partial t} + I_y \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} + I_{zy} \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} - I_\varphi \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} - I_{a_1} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} - I_{a_2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta \alpha_1 \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[S_{a_1} \frac{\partial U}{\partial t} - I_{za_1} \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} - I_{ya_1} \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} + I_{\varphi a_1} \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} + I_{a_1^2} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} + I_{a_1a_2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta \beta_1 \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[F \frac{\partial V}{\partial t} + S_y \frac{\partial \theta}{\partial t} \right] \delta V \Big|_t = 0; \tag{10} \\
& \rho \left[-S_z \frac{\partial U}{\partial t} + I_{zy} \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} + I_z \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} - I_{y\varphi} \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} - I_{ya_1} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} - I_{ya_2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta \alpha_2 \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[S_{a_2} \frac{\partial U}{\partial t} - I_{za_2} \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} - I_{ya_2} \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} + I_{\varphi a_2} \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} + I_{a_1a_2} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} + I_{a_2^2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta \beta_2 \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[F \frac{\partial W}{\partial t} - S_z \frac{\partial \theta}{\partial t} \right] \delta W \Big|_t = 0; \rho \left[S_y \frac{\partial V}{\partial t} - S_z \frac{\partial W}{\partial t} + I_\rho \frac{\partial \theta}{\partial t} \right] \delta \theta \Big|_t = 0; \\
& \rho \left[S_\varphi \frac{\partial U}{\partial t} - I_{z\varphi} \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} - I_{y\varphi} \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} + I_\varphi \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial t} + I_{\varphi a_1} \frac{\partial \beta_1}{\partial t} + I_{\varphi a_2} \frac{\partial \beta_2}{\partial t} \right] \delta \mathcal{G} \Big|_t = 0.
\end{aligned}$$

Умумлашган табиий чегаравий шартлар:

$$\begin{aligned}
 & \left[-(N_x^T + \Psi_u) + \bar{f}_1 \right] \delta U \Big|_x = 0; \quad \left[-(M_y^T + \Psi_{\alpha_1}) + M_y^{f_1} \right] \delta \alpha_1 \Big|_x = 0; \\
 & \left[-(M_{\alpha_1}^T + \Psi_{\beta_1}) + M_{\alpha_1}^{f_1} \right] \delta \beta_1 \Big|_x = 0; \\
 & \left[-(Q_{12} + \Psi_v) + f_2 \right] \delta V \Big|_x = 0; \quad \left[-(M_z^T + \Psi_{\alpha_2}) + M_z^{f_1} \right] \delta \alpha_2 \Big|_x = 0; \\
 & \left[-(M_{\beta_2}^T + \Psi_{\beta_2}) + M_{\alpha_2}^{f_1} \right] \delta \beta_2 \Big|_x = 0; \quad \left[-(Q_{13} + \Psi_w) + \bar{f}_3 \right] \delta W \Big|_x = 0; \\
 & \left[-(M_x + \Psi_\theta) + M_\varphi^{f_1} \right] \delta \theta \Big|_x = 0; \quad \left[-(M_\varphi^T + \Psi_g) + M_x^{f_{23}} \right] \delta g \Big|_x = 0.
 \end{aligned} \tag{11}$$

Диссертациянинг «Деформацияланиш жараёнларининг алгоритмлари ва сонли ҳисоблаш усуллари» деб номланган учинчи бобида ҳароратни ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг математик моделидаги барча тенгламалар скаляр кўринишда ва ўлчовлари билан олинган. Бундай тенгламалардан иборат системани ечиш етарли даражада мураккаб. Шунинг учун уларни ўлчовсиз ҳолга келтириб вектор-матрица кўринишида ечилади. Назарий асосларни ҳисобга олган ҳолда, чекли айирмалар, матрицали ҳайдаш ва кетма-кет яқинлашиш ҳамда кўндаланг кесими мураккаб бўлган стерженлар учун геометрик-механик параметрларини аниқлашда рақамли бинар тасвирларни қайта ишлаш усуллари орқали ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг ҳисоблаш алгоритмининг ишлаб чиқишда (9)-(11) ифодалар ўлчовсиз кўринишда ҳал этилади. Шунинг учун, физик жараёнларда ишлаб чиқилган тамойиллардан, қонуниятлардан ва бошқа усуллардан фойдаланиш ўринли. Юқоридаги (9)-(11) ифодаларни ўлчовсиз кўринишга келтиришда қуйидаги белгилашлардан фойдаланамиз: $W = a\bar{W}$, $U = a\bar{U}$, $V = a\bar{V}$, $x = l\bar{x}$, $y = b_0\bar{y}$, $z = h\bar{z}$, $\mathcal{G} = (1/l)\bar{\mathcal{G}}$, $t = t_0\bar{t}$, вақт $t_0 = l\sqrt{\rho/E}$ муносабатлар бўйича ўлчовсиз микдорларни киритиб, ҳосил бўлган ифодаларни $EF(a^2/l^2)$ га бўлиб юборамиз ва ўлчовсиз ҳолга келтирамиз.

Юқоридаги (9), (10) ва (11) ларнинг ўлчовсиз ҳолга келтирилган ҳолдаги ифодаларининг коэффицентлари скаляр кўринишда бўлганлиги учун тенгламалар системасини вектор-матрица кўринишда ифодалаб оламиз.

Стержень тебранишининг тенгламалар системаси, бошланғич ва чегаравий шартлари вектор-матрица кўриниши қуйидагича:

$$[M] \frac{\partial^2 \vec{U}^k}{\partial \bar{t}^2} + [A] \frac{\partial^2 \vec{U}^k}{\partial \bar{x}^2} + [B] \frac{\partial \vec{U}^k}{\partial \bar{x}} + [C] \vec{U}^k + \left([\Phi] \frac{\partial \vec{U}^{k-1}}{\partial \bar{x}} \right) \frac{\partial^2 \vec{U}^{k-1}}{\partial \bar{x}^2} + [D] \vec{F}_i = 0, \tag{12}$$

$$[\bar{M}] \left[\frac{\partial \vec{U}^k}{\partial \bar{t}} t_0 \right] \delta \vec{U}^k \Big|_{\bar{t}} = 0, \tag{13}$$

$$[\bar{B}] \frac{\partial \vec{U}^k}{\partial \bar{x}} + [\bar{C}] \vec{U}^k + \left([\bar{\Phi}] \frac{\partial \vec{U}^k}{\partial \bar{x}} \right) \frac{\partial \vec{U}^k}{\partial \bar{x}} + [\bar{D}] \vec{\bar{F}}_{che} = 0, \quad (14)$$

бу ерда $M, A, B, C, \bar{\Phi}, D, \bar{M}, \bar{B}, \bar{C}, \bar{D}, \vec{\bar{F}}$ (12)-(14) тенгламалар тизимидаги коэффициентлардан ҳосил бўлган 9×9 матрицалар, $\vec{\bar{F}}_i, \vec{\bar{F}}_{che}$ - тўққизта скаляр қийматдан ташкил топган ташқи кучлар бажарган ишнинг вектор қийматлари, \vec{U} номаълум коэффициент вектори. Тенгламалар тизимидаги номаълум вектор $\vec{U} = \{W, \alpha_1, \beta_1, V, \alpha_2, \beta_2, U, \theta, \vartheta\}$ кўриниши олинади.

